

**Ўзбекистон Давлат консерваторияси
“Шарқ мусиқаси” факультети**

“Анъанавий хонандалик” таълим йўналиши

РЕФЕРАТ

**Мавзу: “Ўзбекистон халқ артисти Турғун
Алиматовнинг миллий мусиқага қўшган ҳиссаси”**

Бажарди: Рохатов У
Текширди: Матёкубов Ш

Тошкент 2016

Режа

**“Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматовнинг миллий musiқага
қўшган ҳиссаси”**

Кириш

- 1.Мақомларнинг musiқий илдизлари, Турғун Алиматов мисолида
- 2.Турғун Алиматов атоқли ўзбек созандаси.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Санъатшуносликда ўзбек созандалигининг ижрочилик хусусиятлари ёритилган. Бироқ ҳар бир жанр ва услуб нуктаи назаридан ижрочилик хусусиятларини таснифланишини ўрганиш ҳамда илмий асослаб бериш ҳозирда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Созанда аввало, ўз чолғуси ва мумтоз мусикий йўллари ботиний ва зоҳирий хусусиятларини мукаммал билиши зарур. Шундай экан мақом, мумтоз созандалик, ижрочилик йўналишларини ҳамда турли халқона жанрларни устоз созандалар ижро услублари нуктаи назаридан ўрганиш ниҳоятда муҳим. Бу эса миллий-анъанавий ижрочилик санъатимиздаги Турғун Алиматов каби устозларнинг ижро услуб ва усуллари бугунги илм-фанга кенг тадбиқ этиш долзарб эканини англатади.

Қадимдан овозга энг мукаммал чолғу сифатида ҳаралган. Мусикий созлар эса унинг тақлидчиси сифатида кўрилган. Шундай экан, овоз манбаъига мусикий соз сифатида ҳараб, унинг физиологик ҳамда акустик жиҳатларини ўрганиш, сифатли овоз ҳосил қилиш йўллари излаб топиш зарур. Шу билан бирга мусикий чолғуларнинг овоз манъбайига ўхшатиш яъни ихтибосини келтириш зарур.

Президентимиз И.А.Каримов 2010 йилнинг 29 августида В.А.Успенский номидаги ихтисослаштирилган академик мусиқа лицейининг очилишига бақишлаган тадбирда ёшларда гўзалликни ҳис қилиш ва қадрлаш каби сифатларни таркиб топтиришда миллий созандалик санъатининг алоҳида ўрни борлигини қайд этиб: “Биз миллий мусиқамизга кўпроқ эътибор қилишимиз лозим, чунки биз бу ноёб дурдоналаримизни дунё миқёсига олиб чиқишимиз керак. Европа маданиятини ривожлантирувчи давлатлар талайгина, лекин бизнинг санъатимизни фақатгина ўзимиз ривожлантира оламиз.” деган эди.

Шунингдек, Президентимизнинг миллий санъатни ривожлантириш

тўғрисидаги фармон ва ҳарорларида ўқув юртлари ва ижрочилик жамоаларида бу санъат турининг ривожига ҳисса қўшадиган ёш созандаларни излаб топиш, кашф этиш ва тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор ҳаратилади.

Шунинг учун миллий овоз ҳосил қилиш, устозона услублар ва айниқса ижро мактабларининг ўзига хос услубларини ўрганиш, чуқур тадқиқ этиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Юртимизга замонавий, хорижий мусикалар (оҳанглар)нинг кириб келиши билан бирга уларнинг овоз ҳосил қилиш услублари ҳам жадаллик билан бостириб келмоқда. Бу оҳангларнинг салбий ва ижобий томонлари мавжуд. Салбий томонларидан бири шуки хонандаларнинг кўпчилиги шуларга тақлид қилиб, овозларини хиргойисифат ёки томоқни кириб чиқариш орқали куйлашади. Бундай овоз ҳосил қилиш услублари ўзбекона маънавиятга, анъанавий хонандалик ижро услубларига тўғри келмайди. Миллий хонандалик услубларида ҳам хориж анъаналари қўлланиладиган бўлса, бора–бора миллий овоз ҳосил қилиш услублари муомаладан чиқиб кетиш ҳавфи туғилади. Бундай оқибатларни бартараф этиш учун анъанавий хонандаликда бугунги кун нуқтаи назари билан ижрочилик хусусиятларини ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш зарур.



Турғун Алиматов.

1.Мақомларнинг мусиқий илдизлари, Турғун Алиматов мисолида

“Турғун Алиматов ҳақли равишда замонамизнинг буюк созандасидир. У ўзбек анъанавий мусиқаси тарихидаги янги йўналиш бўлиб кирган ижро услубини яратган. Турғун Алиматовнинг танбурчилик мактаби ўзининг ташқи (чолғунинг тутиши) ва ички (зарблар, товуш чиқариш усули, нола, куй талқини ва шу кабилар) белгилари билан бошқалардан ажралиб туради”.

Устозни ўзлари “Мен дуторчидан етишиб чиққан танбурчиман” деган эдилар. Ҳақиқатдан ҳам созанданинг биринчи ўзлаштирган чолғуси дутор бўлган. Уни мустақил радио ва пластинкаларини тинглаб, ўзига ёққан асарларни эслаб қолиш йўли билан ўрганган. Кейин шу куйларни танбурда

ижро этишга ҳаракат қилган. Лекин дутор бир умрга дилига яқин чолғу бўлиб қолган.

Бир томондан, унинг услуби миллий руҳ билан суғорилган бўлса, иккинчи томондан ижодига нисбатан анъанавий сўзи маълум даражада мажозий маънони касб этади. Гап шундаки, мусиқачи том маънода устоз кўрмаган. Турғун Алиматовнинг асосий мураббийси- қулоғи, ноёб эшитиш қобилиятидир. Устоз кўпгина устоз созандалар, радио орқали бериладиган машҳур қуръон ҳофизлари ҳамда ўз даврида донг таратган ҳинд филмларининг куй ва кўшиқларини диққат билан тинглаб, ўз ҳиссиёти орқали таҳлил этиб, тез ўзлаштирди.

Турғун Алиматов асарларида юксак бадиий эстетик дид ҳукумронлик қилади. Устоз яратган куйлар кўпинча радио орқали эшиттирилади, кино мусиқаси, телевидения, театр томоша сахналарида кенг қўлланилади. Бу куйлар халқ ичига, қон – қонига сингиб кетган кадрдон куйлар бўлиб қолган. халқ орасида шундай гап бор “созанда 40 йилда камолга етади”. Базан эса ҳақиқий санъат йўлига чиқиш учун ундан ҳам кўп вақт керак экан дийдилар устознинг ўзи.

Анъанавий ижрочиликда мусиқий асарнинг таъсирчанлиги инсон рухиятига хуш кайфият бахш этиши, маънавий озуқа бериши, куйнинг миллий ижро безаклари билан тўла қонли ифода этилишидир. Бунинг учун созанда юксак мусиқий дид ва маҳоратга эга бўлиши лозим.

Жумладан, танбур сози ижрочилигида кенг қўлланиладиган турли нола, қочирим, зарб каби мусиқий безаклар асар ижросидаги етукликни таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда танбур сози ижрочилигида ёрқин юлдуз бўлиб, ўзининг қалб кўри, сеҳрли бармоқлари билан чертган созидан хуш наво таратиб, юракларни забт этган “тилла нохун“ соҳиби, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Турғун Алиматовни ўзбек миллий мусиқа ижрочилигида бетакрор услуб (мактаб) яратган санъат дарғаларидан бири, десак асло муболаға

бўлмайди.

Турғун Алиматов (1921-2008) йил 20-январда Тошкент вилоятининг Чувалачи қишлоғида хизматчи оиласида дунёга келди. Болалик чоғиданок калбида мусикага иштиёқ ва ҳавас уйғонишига падари бузруквори Алимат отанинг дутор чолғусини ниҳоятда ёқимли ижро этиши сабаб бўлди. Турғун ўрта мактабнинг 4-5-синфларида сабоқ олаётган пайтларида мусиқа чолғуларидан илк бор дутор чалишни ўргана бошлади. Чунки уларнинг хонадонида ҳам кўплаб хонадонларда бўлгани каби дутор доимо уйнинг тўрида осиглиқ турарди. Санъаткорнинг набираси ва шогирти Абдор Зуфаров у ҳақда шундай дейди: “1930-йилларда халқ орасида машҳур бўлган “Фабрика” номли кўшиқ бобом ўрганган биринчи мусикий асар бўлади. Ўша кезлари у радио тўлқинлари орқали мунтазам янграган “Жигарпора” куйи билан бирга “ Дилхирож”, “Муножот” каби халқ куйларини чалишни ҳам кунт билан ўрганди”.

Ёш Турғун мактабнинг 7-10-синфларида ўқиб юрган кезларида мусиқа тўгараги хонасида осиглиқ турадиган танбур, дутор, най, ғижжак каби чолғуларни кўриб завқланарди. Тўгарак раҳбари Ҳалим ака ёш созандага яхши маслаҳатлар берди. У “ҳозирча қайси созга меҳринг тушган бўлса ўрганиб қўявер, кейинчалик қай бирини танлаш кўнглингга боғлиқ. Бир неча чолғуни чала бошлаш одамга зарар қилмайди” деб, Турғунга ғижжак ва танбур каби созлардан дарс берди.

Турғун Алиматов ёшлигидан Ҳожи Абдулазиз ижодига ҳам қизиқар эди. Устоз Ҳожи Абдулазиз ҳақида шундай деган эдилар: “Мен болалигимдан Ҳожи Абдулазиз санъатига меҳир қуйганман. “Бебокча”, “Гулзорим”, “Бозургоний” плацинкаларини 30 йиллардан буён эшитаман. Бу ижроларни ҳозир ҳам тинглаб, ҳар сафар нимадир топаман. Баъзан таажуб қиламан, нодир санъатнинг қайси бир томонига кўпроқ ҳайратланишни уйлаб қолсан киши, ёши 80 га етган ҳофиз овозининг тиниқлигигами, дутор садоларининг сиру-асрорларигами ёки бу иккинчи амалнинг бир одам томонидан

баробарига бажарилаётганидан Ҳожи буванинг созандалиги маҳоратидан санъатдан устун турадиган, худо юқтирадиган бир нарса. Ҳожи ака мен бутун умрим бўйи интилаётган комолот рамзи. Мусиқа тарихида бундай созандалар санокли”.

Техникумда олган сабоқлари Турғун Алиматов ҳаётида муҳим рол ўйнади. Уша кезлари радиодан кўпинча Юнус Ражабий раҳбарлигидаги ансамбил ижросидаги куй ва кўшиқлар янграрди. Турғун Алиматов бу туркум эшиттиришларни бирортасини ҳам қолдирмасдан тинглар ва ғойибона ўрганарди. Мабодо куйларини ўрганишда қийинчилик туғилса дарҳол техникум ўқитувчиларига мурожаат қилар эди. Шу сабабли мусиқа меросимизда мавжуд бўлган кўплаб асарларни ўзлаштиришга эришди.

Техникумда ўқишни тугалаш арафасида созанда сифатида шаклланиб дутор, гижжак ҳамда танбур чалишнинг нозик сирларидан воқиф бўлди.

Турғун Алиматов 1942-43йилларда Тошкентдаги ёш томошабинлар театрига ишга қабул қилинди. Бу ерда ансамбл раҳбари Мамадазиз Ниёзов унга гижжакчи созанда бўлиб ишлашни таклиф этди. Ансамблда биргина гижжакда эмас, балки танбур ва дуторда ҳам вақти-вақти билан куйлар ижро этишга тўғри келарди чунки у даврдаги ижодий жараён шуни талаб этарди.

Шундан сўнг Турғун Алиматов бир йил мобайнида Муқимий номли мусиқали драма театрида созандалик фаолиятини давом эттирди. У театрдаги фаолиятини жуда ҳам самарали ўтганлигини эслаб шундай дейди: “Мен ўттиз йил радиода ишладим, бир йил Муқимий театрида. Лекин ўттиз йил ичида, ўша бир йилда олган маънавий бойликни ололмадим. Чунки у кезлари театрда забардаст санъаткорлар :Тўхтасин Жалилов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Охунжон Қизик, Холхўжа Тўхтасинов каби буюк инсонлар даврасида эдим”.

Устозлар билан жонли мулоқот санъатнинг йўналишларидан баҳраманд бўлишдан Турғун Алиматов фаолиятида муҳим ўрин эгалади.

Турғун Алиматов радиокомитетда созандалик қилган кезларида

академик Юнус Ражабий рахбарлигидаги мақом ансамбли билан Шашмақом чолғу-ашула туркумлари, Тошкент-Фарғона мақом ашула йўллари, воҳаларга мансуб йирик чолғу йўллари ҳамда забардаст бастакорларнинг асарларини мунггардиш (плацингка) га дарж этишда, радио мусикий ёзувлар “олтин хазина”сидаги магнит тасмаларига туширишда фаол иштирок этиб, “тилла нохун” номини олишга сазовор бўлди. Турғун Алиматов “ Москва, 1971; Олмаота, 1973; Самарқанд, 1978, 1983, 1987 ” ва бошқа халқаро анжуман, кансертларда қатнашди. Турғун Алиматов миллий созанда сифатида биринчилар қатори чет элда ҳам этибор қозонди. Унинг (Америкада, Франция ва Германия) шаҳарларидаги чиқишлари каттагина олқишларга сазовор бўлди.

“ Франциянинг машҳур “Ассора” фирмаси Турғун Алиматовнинг танбур, дутор ва сатода ижро этган компакт-дискини чиқарди”.

Турғун Алиматов ижрочилик услубининг шаклланишида бир қатор устозларнинг санъати муҳим омил бўлган десак ўринли бўлади. Рисқи Ражабий, Жўрабек Сайдалиев, Қаям Шомуродов, Асадқори Лутфуллаев, Ориф Қосимов, Маҳмуд Юнусов каби устоз созандалар шулар жумласидандир.

Жўрабек Сайидалев ижросидаги “Пайрави асар”, “Жигар пора”, “Сурнай Навоси” каби куйлар Турғун Алиматов қалбида чуқур из қолдирган. Айниқса, ундаги “якка зарб” га асосланган ижро услуби ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Шу билан бирга, Жўрабек Сайдалиев талқинида “нола”, “кашиш” майда ноталарда эса кўпроқ “тили- гили” каби анъанавий ижрочиликда қўлланиладиган безакларни учратиш мумкин.

Асадқори Лутфуллаев ижро услубининг ўзига хослиги асосан “пирранг” зарбини ниҳоятда равон ва ёқимли ифода этилишидандир. Бундай услуб ижрони янада жозибали чиқишига сабаб бўлади.

Ризқи Ражабий, Қаям Шомуродов каби устоз созандаларнинг ижро услубларида эса нохунни юқоридан пастга чертиш кузатилади.

Турғун Алиматов устозларидан шу сингари амалларини кунт билан ўрганди. Ижрочилик соҳасида кўп йиллик меҳнат ва изланишлар ундаги ўзида хос услубни юзага келишида муҳим аҳамият касб этди.

Турғун Алиматовнинг ижро услубида нохуннинг пасдан юқорига харата чиртиш алоҳида ажралиб туради. Бундай амал танбурда чиқаётган овозни янада майин, ёқимли бўлишини таъминлайди. Бу борада Турғун Алиматов Шундай дейди: “Тингловчига якка нохун ҳам керак. Лекин, орасида пирранг кўйилса янада чиройлироқ бўлади. Бир санъатга яна бир санъат кўшилган бўлади. Кейин бир усулда, бир нохунда юрса бир ёқлама бўлиб қолади”.

Турғун Алиматов ўз ижро услубини шакилланиш жараёнида мусикий меросимиз намуналари орасидан турли суръат ва хусусиятидаги куйларини танлаб олиб, уларни меъёрига етказиб чалишни машқ қилди.

Мунгли куйларга чуқурроқ „нола, „кашиш, „молиш, „рез тез суръатли кувноқ куйларга „пирранг, „тескари зарб, „уфор зарб ва майда зарблар ишлатиб, мусикий асарларни янада жозибали бўлишга эришди.

Турғун Алиматов ижрочилик фаолияти давомида мусикий меросимизда мавжуд кўплаб асарларни ўз ижро услубида талқин этиб, уларга янгидан ҳаёт бағишлади. Бу куйлар хоҳ танбур, хоҳ дутор, хоҳ ғижжак бўлсин ягона ижро услубига асосланган. Бунга „Наво, „Чоргоҳ, „Ешвой, „Сегоҳ, „Насри сегоҳ, „Уфори сегоҳ, „Самарқанд ушшоғи, „Гиря, „Сурнай навоси, „Роҳат, „Ешвой курт, „кўшчинор, „Гулёрхон ва билакузук, „Жигарпора ва пайрови асал”, “Тановар”, “Нола”, “Муножот”, “Насрулло”, “Ажам”, “Наврўзи Ажам”, “Кўйгай”, (Юнус Ражабий), “Ей сабо” (Доно Зокиров), “Гулзорим”, “Бозургоний” (Ҳ.А.Абдурасулов), “Ёлғиз” (Т.Жалилов) каби дурдона мусикий асарлар мисол бўла олади. “Овоз режиссёри Н.Ҳасанов ёрдамида якка созлар (Дутор-Танбур, дутор-сато, танбур-сато-дутор ва бошқалар)да ўзига хос якканавоз “ансанбл” тарзда ижро этган чолғу куйлари 10 дан ортиқ гарампластинкаларда чиқарилган”.

1994- йилда Турғун Алиматов Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедрасининг профессори лавозимида ёш созанда талабаларга танбур, сато ва дутор чолғулари синфи бўйича сабоқ берди. Устознинг бир қатор шогиртлари ансамблларда, олий ва ўрта махсус мусиқа (санъат) билим юртларида сабоқ берди.

Ўзбекистон халқ ҳофизлари Ҳасан Ражабий, Маҳмуд Тожибоев созандалар; Абдулла Умаров, Алишер Алиматов, Асрор Аслонов, Аброр Зуфаров, Тойир Қўзиев, Шухрат Набиев, Иброҳим Самадов, Адҳам Исмоилов, Шухрат Раззоқов, Муҳаммаджон Мамадқулов каби истеъдод соҳиблари шулар жумласидандир.

“Турғун Алиматовнинг Ўзбекистон санъатига қўшган ҳиссаси учун юртбошимиз томонидан 1997- йил “ Буюк хизматлари учун “ ордени билан мукофотланди”. “ Турғун Алиматовнинг биринчи “Буюк куйлар” деб номланган албоми 2008 - йилда чиқарилди ”.

Малумки, танбур чолғуси созандалар томонидан азалдан яқка соз сифатида ижро этиб келинган. XX асирнинг 30-йилларидан танбурда сато, дутор ва ғижжак чолғулари билан биргаликда, ансамбл кўринишида куйлар ижро этилиши анъанавий тус ола бошлади. Турли миллий чолғулардан иборат созандалар ансамблларнинг тузилишига ана шундай ижодий ишлар сабаб бўлганлиги эҳтимолидан ҳоли эмас. Кийинги йилларда бир хил создан иборат бўлган қатор ансамбллар олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, бадий жамоларда, ҳаваскорлик тўғаракларида фаолият кўрсата бошлади. Буларга дуторчилар, рубобчилар, ғижжакчилар, чангчилар ва дойрачилар ансамбллари мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бироқ икки ва ундан ортиқ танбур жўрнавозлиги ҳали амалиётда қўлланилганича йўқ. Шу боис устоз Турғун Алиматовнинг ташаббуси ва раҳбарлигида консерваториянинг анъанавий ижрочилик кафедрасида талабалардан иборат танбурчилар ансамбли ташкил этилди.

Мазкур ансамбл дастуридан халқ куйлари, бастакорларнинг асарлари,

Шашмақом чолғу ва ашула туркумлари, Тошкент-Фарғона воҳаларига мансуб мақом ашула ҳамда туркум чолғу куйларидан намуналар кенг ўрин олган.

Муסיқа асарларини ансамбл бўлиб ижро этилишида (айниқса бир хилдаги чолғулардан таркиб топган ансамблларда) аввало созга катта этибор берилиши лозим. Чолғуларни бирхилда созлаш, ўнг қўл (якка зарб, қўш зарб, билак зарб, калта рез, пирранг каби) зарбларни ва чап қўл нолаларини бир йўналишдаги ижросига эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Устоз Турғун Алиматов сабоқлари анна шундай омилларни мужассам бўлишида амалий жиҳатдан намуна бўла олади. Шогиртлар ижро жараёнида доимо устоз услуби ва ўғитларига таянади.

2. Турғун Алиматовнинг ижодига чизгилар

Юртимизнинг турли воқаларида яшаб ижод этган буюк ижодкорлар, азиз сиймолар ижрочилик санъатида ўзига хос услуб ва мактаб яратганлар.

Танбур чолғуси нафақат якканавозликда, балки йирик муסיқа жанри хисобланмиш мақом ашула йўллариини ижро этишда хофиз учун етакчи жўрнавоз чолғу сифатида довруғ таратган.

Ўтмиш тарихга назар ташласак, буюк устозлардан Ота Жалол Носиров, Леви Бобохонов, Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Содирхон Хофиз, Шорахим Шоумаров, Шоназар Сохибов, Жўрахон Султонов, Беркинбой Файзиев, Маъруфхўжа Баходиров, Расулқори Мамадалиев, Фаттохон Мамадалиев ва Ўзбекистон давлат консерваториясида узоқ йиллар фаолият кўрсатган Орифхон Хотамов каби атоқли хофизлар учун танбурни доимий жўрнавоз чолғу бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Хар қандай касбу–кор, илму–маърифат, маданият ва санъатнинг ривож топиши, бус бутун шаклланиши, авлодлар шажараси занжирининг узилмаслигидадир. Жумладан: муסיқа ижрочиличи санъати ҳам бевосита авлоддан–авлодга ўтиб, сайқал топиб келаётган санъатдир.

20-асрда яшаб ижод этган машхур устоз танбурчи созандалар – Ризқи Ражабий, маъруфжон Тошпўлатов, Жўрабек Саидалиев, Абдумутал Абдуллаев, Мақсудхўжа Юсупов каби созандалар қолдирган ижро асарлари мусикий хазинамизга салмоқли хисса бўлиб қўшилганлиги маънавий бойлигимиздан далолат беради.

Танбур чолғуси ижрочилигида ёрқин юлдуз хисобланиб, ўзининг қалб кўри, сеҳрли бармоқлари билан чертган созидан хуш наво таратиши туфайли юракларни забт этган тилло нохун сохиби Ўзбекистон халқ артисти профессор Турғун Алиматов ўзбек миллий чолғуси соҳасида бетакрор услуб ва мактаб яратган санъатимиз дарғаларидан десак ўринли бўлади. Устоз кўп йиллардан бери Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедрасида ёш созанда талабаларга дутор, сато, танбур чолғулари синфи бўйича сабоқ бериб келган. Устознинг кўлида тахсил олган бир қатор шогирдлари юртимизнинг нуфузли бадий жамоаларида, мақом ансамблларида, олий ва ўрта махсус билим юртларида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Ўзбекистон халқ хофизлари Хасан Ражабий, Махмуджон Тожибоев, созандалар доцент Абдулла Умаров, Алишер Алиматов, Аброр Зуфаров, Шухрат Раззоқов, Тоир қўзиев, Иброхим Самадов, Муҳаммаджон Маматқулов каби истеъдодли ёшлар шулар жумласидандир.

Турли миллий мусиқа асарларини ансамбл бўлиб ижро этилишида айниқса бир хилдаги чолғулардан таркиб топган ансамблларда аввало созга катта аҳамият берилиши лозим. Чолғу асбобларини бир хилда созлаш учун ўнг қўл, якка зарб, қўш зарб, биллак зарб, калта рез, пирранг каби зарблари ва чап қўл нолаларини бир хилдаги ижросига эришиш муҳим аҳамиятга эгадир. Устоз Турғун Алиматов сабоқлари ана шундай омилларнинг мужассам бўлишида амалий жихатдан намуна бўла олади. Бунда жамики шогирдлар ижро жараёнида устоз услубига ва ўғитларига таянадилар.


Миллий мусиқа маданиятимизнинг ҳар қачонгидан чуқурроқ ва атрофлича ўрганиш. Уни халқ ичида кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг

долзарб масалаларидан биридир. Бинобарин, Ўзбек мусика маданияти ва унинг асосий қисмларидан бири бўлган чолғу ижрочилиги санъати қадим—қадимдан бой анъаналарга эгадир.


Чолғу ижрочилиги анъаналари азал—азалдан халқ мусика санъатида муҳим аҳамият касб этиб келган. Бунда биз чолғу созларимизнинг ранг—баранглиги, мукамаллиги ва жозибадорлигини кўрамиз. Миллий чолғуларимиз орасида кенг оммалашган ва ўзининг сеҳрли садолари, нола—кочиримлири, ранг-баранг миллий ижро безаклари ва сеҳрли оханглари билан инсонларни ўзига мафтун этган созлардан бири-танбурдир.

Бу чолғудаги бетакрор ижрочилик халқимизга манзур бўлган ва қалблардан чуқур жой олган. Халқимизнинг танбурчилардан Султонхон Ҳақимов, Мақсудхўжа Юсупов, Ёқуб Давидов, Асатқори Лутфуллаев, Маъруфхўжа Тошпўлатов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар; Рисқи Ражабий, Жўрабек Сайдалиев, Абдумутал Абдуллаев, Шобарот танбурчи, уста Рўзматхон танбурчи, Отавали Нуриддинов, Тожикистонда хизмат кўрсатган артистлар; Шоназар Соҳибов, Фазлиддин Шохобов, Бобоқул Файзуллаев, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Турғун Алиматов ва шулар қаби жуда кўп созандаларни номларини фахр билан тилга оламиз.

Танбур созида кўплаб созандалар чалганида ҳар хил чалишади, яъни симга нохун билан зарб берилганида, чертилганида бир лари симга тик нохун билан урса, бирлари ётиқроқ нохун билан зарб беришади. Кўзатувларимиз натижасида шунга амин бўлдики, торга, яъни симга тик урилган нохун зарбидан тиниқроқ, нисбатан ёрқинроқ товуш чиқар экан.



XX-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Ўзбекистонда танбур созини ижро этишда асосан моҳир созанда, Ўзбекистон халқ артисти, “Буюк хизматлари ордени” нишондори, профессор Турғун Алиматов мактаби кенг тус олди. Бу моҳир созанданинг ижро йўналишида устоз санъаткорлар, яъни бу кишигача яшаб ижод этган танбурчи созандалар йўналишлари жамланган. Масалан: Турғун Алиматов ижросида учрайдиган “пирранг”ни кўпроқ Расулқори Мамадалиевдан илхомланиб чалганини кўп бора таъкидлаган. Ёки дарс ўта туриб, устозимиз Турғун Алиматов ҳофизлар чаладиган ижро услубларидан (зарбларидан) ишлатганларини гувоҳи бўлганмиз.



Санъатимизнинг етук мутахассислари ва умуман муסיқага алоқадор кишилар устоз Турғун Алиматовнинг ижроларининг муסיқа матнларини ҳато деб ҳисоблашади. ҳатоликлар нималардан иборат: биринчидан, куйларни (асосан катта асарларни) баъзи хоналарини ташлаб кетиб, ўзига маъқул бўлган хоналари ёки бўлакларини чалганлар. Иккинчидан, куй чалаётганида муסיқий жумлалар орасида бемалол тўхташлик, люфт паузалар қилиниши ҳисобига куй бўзилиши кузатилади. Бизнингча бу ижроларни ҳато деб эмас, балки ўзига хос ижролар дейишимиз мумкин. Кузатувларимиз натижасида шунга амин бўлдикки, устоз Турғун Алиматов ижро этган асарлар бошқа ижрочилар, ансамбллар ва ашулаларни хонандалар томонидан куй матни нуқтаи назаридан тўғри ижро этилган вариантлари, нусхалари ҳам бор. Аммо ҳар бир даврнинг ўз сози, ижро услублари бўлганидек Турғун Алиматов ҳам ўз даврининг етук созандаси эди. Бу инсоннинг ўз дунё ҳараши, муסיқа санъати соҳасидаги бошқа ижрочиларда учрамайдиган дид, покизалик ва

Ўзига хос муסיкий чизгилари мавжуд. Шунинг учун ҳам устоз ижросидаги барча куйлар ўзига хос бўлиб, асарларни чуқур ўзлаштириб, ўзи яратган куй каби ижро этган.

Бугунги даврда Ўзбекистон давлат консерваториясининг анъанавий ижрочилик кафедрасида устозлар ижроларини ўрганиш борасида кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. хусусан танбур ижрочилиги борасида Турғун Алиматов ижролари билан биргаликда кўплаб устоз танбурчиларни ижро услублари ўрганилмоқда. Устоз Турғун Алиматов ижро этган аммо куй матнлари ташлаб кетилган бўлакларини бус-бутунича талабаларга ўргатилиб келинмоқда. Ҳар бир куйнинг матнини тўлиқ ҳамда ритмик жихатдан оқсамасдан замон талаблари даражасида ижро этишни йўлга қўйганмиз. Мисол учун устоз Турғун Алиматов ижро этган “Насруллои” куйида энг гўзал хоналар чалинган ва қисқартирилган. Куйни оддий инсон эшитса жуда маъқул бўлади. Бизнинг талабаларимиз эса куйнинг тўлиқ ва Турғун Алиматов ижро этган вариантыни ўрганишади. Бундан ташқари барча танбур ижрочилари ва ижро услубларини имкон даражасида ўрганилади.

Шаҳсан мени ижро этган асарларимда ҳам кичик бир янгилик мавжуд, бу ижро пайтида бир пардадан иккинчи пардага симни тортиб, нола қилиб ёки нолаб (рубоб сози каби) бармоқлар йўналишини пардалар устида югуртириб чалиш ҳам бошқа созандадарда учрамайди. Бу янгилик ҳам ижрони мукамал даражага етказишда кўмаклашади.

Хулоса

Турғун Алиматовнинг ижодий меъросларини ўрганадиган бўлсак, у кишининг нечоғлик мусиқа оламига қўшган бетакрор хиссаларининг гувоҳи бўламиз. Миллий мусиқамизни, батамом унутилаётган чолғу асбобларининг тикланиши каби етук хизматларини кўрганимизда, биз у кишига бежизга мусиқа арбоби деган ном берилмаганини кўришимиз мумкин. Ижодий меъросларини нафақат Ўзбекистонда, Ўрта Осиёда, балким Ғарб мусиқаси вакиллариининг репертуарларида ҳам бугунги кунда учратиш мумкин.

Бежизга АҚШ да устознинг 90-йилликларига бағишланган тантанали хотирлаш кечаси ўтказилмади. Шунинг билан бир қаторда биз ҳам фахр қилиб айтишимиз мумкинки, ҳозирда ота-боболаримизнинг, устозларимизнинг санъатини, қолдирган меъросларини бутун дунё олқишлаб қарши олмоқда ва кўп йиллар давомида миллий мусиқамизга бўлган қизиқиш сўнмайди. Бу ўлмас асарлар ҳали келажак авлодларимизга ҳам етиб бориб, улардан ҳам олтин нохун сохибидек дунё танидиган, Ўзбекистонинг доврўғини танитадиган буюк санъаткорлар етишиб чиқади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август № 463-1.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997 й., 29 август № 463-1.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- том. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар: 3 – жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 367 б.
5. Каримов И. А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: "Ўзбекистон", 1997. – 62 бет.
- 6.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008.
- 7.Ражабов. И “ Макомлар масаласига доир” Т.,1963 й.